

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВА МАТЛУБА НАИМОВНА**

**ЕР УСТИ СУВЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОКИМЁВИЙ  
РЕЖИМЛАРИ, УЛАРНИ ГИДРОЭКОЛОГИК ВА ИРРИГАЦИОН  
СИФАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ (СИРДАРЁ ДАРЁСИНИНГ ЎРТА  
ОҚИМИ МИСОЛИДА)**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) on geographical sciences**

**Рахимова Матлуба Наимовна**

Ер усти сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари, уларни гидроэкологик ва ирригацион сифатларини баҳолаш (Сирдарё дарёсининг ўрта оқими мисолида).....3

**Рахимова Матлуба Наимовна**

Гидрологический и гидрохимический режим поверхностных вод и оценка их гидроэкологического и ирригационного качества (на примере среднего течения р.Сырдарья) .....21

**Rakhimova Matluba Naimovna**

Hydrological and hydrochemical regimes of surface waters and assessment of their hydroecological and irrigation quality (on the example of the middle course of the Syrdarya river) .....39

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВА МАТЛУБА НАИМОВНА**

**ЕР УСТИ СУВЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОКИМЁВИЙ  
РЕЖИМЛАРИ, УЛАРНИ ГИДРОЭКОЛОГИК ВА ИРРИГАЦИОН  
СИФАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ (СИРДАРЁ ДАРЁСИНИНГ ЎРТА  
ОҚИМИ МИСОЛИДА)**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Gr176 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nigmi.uz](http://www.nigmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Чембарисов Эльмир Исмаилович</b> география фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мурадов Шухрат Одилевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Дергачева Ирина Викторовна</b> география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319; E-mail: [info@nigmi.uz](mailto:info@nigmi.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.М.Холматжанов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.,проф.

**Б.Э.Нишонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**Х.Т.Эгамбердиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, г.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши тоза чучук сув захираларининг камайишига олиб келди, шу сабабли сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг олтинчи “Сув ресурсларининг мавжудлиги, улардан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир инсоннинг санитария воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш” мақсадида “хавфсиз сувдан фойдаланиш ва чучук сув экотизимларидан рационал фойдаланиш инсон саломатлиги ва экологик хавфсизлик учун катта аҳамият касб этади”<sup>1</sup>, деб таъкидланади. Ушбу ҳолат арид ҳудудларда чучук сувга бўлган талабнинг доимий ортиб бориши шароитида ер усти сувларининг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни тақазо этади.

Дунёда дарёлар сувлигининг узоқ муддатли ўзгариши, дарё ва коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрохимёвий режимларининг ўзгариши, суғориш майдонларининг сув-туз балансларини таҳлил қилиш, коллекторлар сувларининг кимёвий таркиби ва сифатининг замонавий хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, кескин сув танқислиги шароитида ер усти сувлари сифатини ирригацион ва гидроэкологик нуқтаи-назардан баҳолаш, трансчегаравий дарёлар ва уларнинг ирмоқлари сувлигининг ҳудудий ва вақт давомидаги ўзгаришларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш”<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада дарёлар ва коллектор тармоқларининг ҳозирги кундаги гидрологик ва гидрохимёвий режимларини аниқлаш, шунингдек, ГАТ-технологияларидан фойдаланган ҳолда, турли гидрологик ва сув хўжалиги хариталарини тузишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони, 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сон, 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг

<sup>1</sup> БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари, <https://uzbekistan.un.org/uz/sdgs>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

2021-2023-йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон, 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дарёлар сувининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари хусусиятларига оид асосий қонуниятлар ва назарий асослар хорижий олимлар D.Hellel, E.A.Hiler, T.A.Howel, R.B.Lewis, R.B.Boos, M.Zhe, X.Zhang, B.Wang, L.V.Wilcox ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Шунингдек, дарёлар ва коллекторларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимларини ўрганиш ва уларнинг сув танқислиги шароитида гидроэкологик ҳолатини баҳолаш услубини яратишга катта ҳисса қўшган A.J.Wade, E.J.Palmer-Felgate, S.J.Halliday, R.A.Skeffingtonларнинг тадқиқотларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

МДХ мамлакатларида ер усти сувларининг миқдори ва сифатининг шаклланиши ва динамикаси масалалари О.А.Алекин, П.П.Воронков, С.Н.Харченко, И.А.Шикломанов, Р.А.Нижеховский, Л.В.Дунина-Барковский, П.О.Завьялов, А.М.Никаноров, Н.И.Коронкевич, Н.Л.Фролова, А.И.Чеботарев, А.Н.Гостунский тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Л.З.Шерфединов, Ф.Э.Рубинова, Ю.М.Денисов, В.Е.Чуб, В.А.Духовный, С.Ш.Мирзаев, Э.И.Чембарисов, М.А.Якубов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ш.О.Мурадов, Р.М.Разаков, Ю.Н.Иванов, А.И.Сергеев, Ф.М.Рахимбаев, С.В.Мягков, Б.Э.Нишонов, Р.Т.Хожамуратова, Б.Е.Аденбаев, Г.Х.Юнусов, Т.А.Ахмедова, Ф.Я.Артикова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда табиий ва антропоген омиллар таъсирида республиканинг турли ҳудудларида ер усти ва ер ости сувларининг минерализацияси ва кимёвий таркибининг шаклланиш жиҳатлари ёритилган.

Бироқ юқорида қайд этилган тадқиқотларда Сирдарёнинг ўрта оқимида дарё сувининг гидрокимёвий ўзгариш босқичларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмаган ва уларда коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари жиҳатлари батафсил ўрганилмаган. Ушбу тадқиқотнинг юқоридаги ишлардан фарқи шундаки, у Сирдарё ўрта оқимининг ер усти сувларини гидрологик ва гидрокимёвий режимлари ҳамда уларнинг гидроэкологик ҳолати ва сифатини ирригацион мақсадларда баҳолашга бағишланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т126 “Ўзбекистон ер усти сувларининг генезиси, шаклланиши ва режими ҳамда уларнинг агроландшафтлар шўрланиши ва ифлосланишига таъсири” (2012-2016 йй.) фундаментал ва МВ-КХ-А-КХ-2018-292 “ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида сув таъминлаш ва сув чиқариш тизимларининг илмий асослари ва методологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сирдарёнинг ўрта оқимидаги дарёлар ва коллектор-зовур сувларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий режимларини ҳамда уларнинг гидроэкологик ҳолати ва сув сифатини ирригацион мақсадларда баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сирдарёнинг ўрта оқимида гидрологик ва гидрокимёвий режим хусусиятларини, шунингдек, сувлиги ва минерализациясининг кўп йиллик ўзгаришларини ўрганиш;

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари (Тошкент вилояти) ҳавзаларидаги дарёлар ва коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимларини баҳолаш;

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида коллектор-зовур сувларининг замонавий хусусиятлари, ҳажмлари, минерализацияси ва кимёвий таркибини, шунингдек, уларнинг географик ўзгаришларини аниқлаш;

коллектор сувларини қайта фойдаланишга яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда, синовдан ўтган ифодалар бўйича ирригацион сифатини баҳолаш;

ўрганилаётган ҳудуддаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашда замонавий услубий ёндашувларни қўллаш, шунингдек, уларни яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сирдарёнинг ўрта оқими, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари, шунингдек, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг коллектор-зовур сувлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Чирчиқ, Оҳангарон ва Сирдарёнинг ўрта оқимидаги замонавий гидрологик ва гидрокимёвий режимлари ҳамда шу ҳавзалардаги суғориладиган ҳудудларнинг магистрал коллекторлари хусусиятларини ўрганиш масалалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гидрологик ва гидрокимёвий ҳисоблашлар ва баҳолаш усуллари, жумладан, сув-туз баланси, математик статистика, картографик усул, гидрологик умумлаштириш ҳамда ер усти сувларининг гидроэкологик ва ирригацион сифатини баҳолашнинг умумлаштирилган усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дарёлар гидрологик ва гидрокимёвий режимларининг замонавий хусусиятлари, шунингдек, Сирдарё ўрта оқими, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари узунлиги бўйича сувлиги ва минерализациясининг кўп йиллик ўзгаришлари аниқланган;

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган ҳудудларидаги коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий тавсифлари коллектор оқимининг ҳажми, минерализацияси ва кимёвий таркибини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини умумлаштирилган баҳолаш услуги ишлаб чиқилган;

Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги сувларнинг ҳамда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари коллектор-зовур сувларининг сифати ирригацион мақсадларда баҳоланган;

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги гидроэкологик вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва зарур агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, суғоришда қайта фойдаланиш учун тавсия этилган коллектор сувлари ҳажми аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дарёлар суви сифатини ифлослантирувчи ва гидроэкологик ҳолатини ёмонлаштирувчи асосий манбалар аниқланган;

ўрганилаётган дарёлар узунлиги бўйича сув сарфи ва минерализациянинг кўп йиллик миқдорий ўзгаришлари баҳоланган;

Сирдарё (ўрта оқимида), Чирчиқ ва Оҳангарон дарё ҳавзалари суғориладиган майдонларидаги коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари ва хусусиятлари аниқланган;

ўрганилаётган ҳудуддаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг умумлаштирилган услуги ишлаб чиқилган;

коллектор-зовур сувларининг замонавий ирригацион сифати баҳоланган ва коллектор сувларининг қайта фойдаланишга яроқли ҳажми аниқланган;

ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда дарё ва коллектор-зовур сувларининг сифати бўйича хариталар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида Сирдарёнинг ўрта оқими, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари сувлари ва Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари хусусиятларини ўрганишда, замонавий гидроэкологик ва ирригацион сифатини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг материаллари, шунингдек, ўрганилаётган вилоятларнинг мелиоратив экспедицияси маълумотлари, диссертация муаллифи томонидан бажарилган дала кузатувлари материаллари, ер усти сувларидан олинган намуналарнинг лаборатория таҳлиллари натижаларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гидрологик ва гидрокимёвий маълумотларни йиғиш, қайта

ишлаш ва умумлаштиришда қўлланиладиган умумий қабул қилинган таҳлил усулларида фойдаланиш ҳамда тадқиқот натижаларининг ушбу соҳадаги бошқа муаллифлар томонидан олинган маълумотларга мувофиқлиги, амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан дарё ва коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари хусусиятларини аниқлашда ҳамда ўрганилаётган ҳудуддаги ер усти сувларининг гидроэкологик ва ирригацион сифатини баҳолашда қўлланиладиган илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли ҳудудлардаги сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашда тавсия этилган усулдан фойдаланиш ва кам сувли йилларда коллектор сувлари ҳажмининг бир қисмидан тўғридан-тўғри фойдаланиш, қолган қисмидан турли нисбатларда дарё сувлари билан аралаштириб фойдаланиш имкониятини асослашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сирдарё ҳавзасининг ўрта оқими ҳудудидаги ер усти сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимларини ўрганиш ва уларнинг гидроэкологик ҳолати ва сифатини ирригацион мақсадларда баҳолашда олинган илмий натижалар асосида:

Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари, Сирдарё ўрта оқими гидрологик ва гидрокимёвий режимларнинг замонавий хусусиятлари ҳамда сувлилиги ва минерализациянинг аниқланган кўп йиллик ўзгаришлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида дарёлар сувлари оқими режимлари ва сифатининг кўп йиллик ўзгаришларини таҳлил қилишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 03/37-2968-сон маълумотномаси). Натижада сувлилиги ҳар хил бўлган йилларда дарёлар оқимининг гидрологик ва гидрокимёвий кўрсаткичларини аниқлаштириш имкониятлари яратилган;

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги магистрал коллекторлар сувларининг ГАТ хариталарида келтирилган гидрологик ва гидрокимёвий тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида коллектор-зовур сувлари хусусиятларининг кўп йиллик ўзгаришини таҳлил қилишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 03/37-2968-сон маълумотномаси). Натижада кам минераллашган коллектор-зовур сувларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд ер усти сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қўшимча имконияти яратилган;

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини замонавий услубий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган баҳолаш услубияти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги дарёлар ҳавзаларида

гидроэкологик вазиятни баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 03/37-2968-сон маълумотномаси). Натижада Сирдарёнинг ўрта оқими худудидаги гидроэкологик вазият ўзгаришининг олинган тавсифлари унинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш имконини берган;

Чирчиқ, Оҳангарон ва Сирдарё дарёлари ҳавзалари ҳамда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги дарё ва коллектор-зовур сувларининг сифатини ирригацион мақсадларда умумлаштирилган баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида кам сувли йилларда суғориш мақсадида коллектор оқимидан фойдаланиш ҳажмини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 03/37-2968-сон маълумотномаси). Натижада кимёвий таркиби ҳисобга олинган ҳолда кам минераллашган коллектор-зовур сувларининг қўшимча ҳажмлари аниқланган, бу эса улардан кам сувли йилларда фойдаланиш имкониятини асослаш, суғориш тизимларининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги гидроэкологик ҳолатни яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳамда яратилган ГАТ харита Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида дарё ва коллектор сувларининг турли ифлосланиш манбаларини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 03/37-2968-сон маълумотномаси). Натижада маъмурий туманлардаги сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш, ўрганилаётган ҳудудда ер усти сув ресурсларининг сифати ва ифлосланиш назорати самарадорлигини ошириш, истиқболли режаларни тузиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари келтирилган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган

натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сирдарёнинг ўрта оқимидаги замонавий гидрологик ва гидрокимёвий режимлари”** номли биринчи бобида Сирдарё сувлигининг кўп йиллик ўзгаришлари ва гидрологик режимининг хусусиятлари кўйидаги гидропостлар бўйича батафсил ёритилган: 1) Кал, 2) Дўстлик каналининг кўйилишидан кўйида, 3) Надеждинский шаҳарчаси, 4) Чиноз шаҳри Ушбу гидропостларда хар хил сувли (кам сувли, кўп сувли, ўртача сувли) йиллар, ўрта оқимидаги створлар бўйича Сирдарё сувлигининг кўп йиллик ўзгаришлари ҳамда Сирдарё узунлиги бўйича сувнинг гидрокимёвий хусусиятлари, Сирдарё сувини гидрокимёвий босқичларининг барча створларда кўп йиллик ўзгаришини баҳолаш ва Сирдарё ўрта оқимидаги ер усти сувларининг ифлосланиш даражаси хусусиятлари аниқланган.

Ҳисобларни амалга оширишда, математик боғлиқликларни куришда, ГАТ хариталарини тузишда ва уларни таҳлил қилишда турли услубий ёндашувлар қўлланилган бўлиб, улардан Ўрта Осиё ва МДХ давлатларининг таниқли олимлари Г.В.Воронков, Т.Н.Аткарская, М.И.Львович, С.И.Харченко, В.Л.Щульц, Ф.Э.Рубинова, Е.М.Видинеева, М.А.Якубов, Ф.Х.Ҳикматов, Ш.О.Мурадов, Б.Е.Аденбаев, Г.Х.Юнусов, Б.Э.Нишонов ва бошқалар фойдаланишган.


1956-2020-йиллар учун алоҳида беш йиллик даврлар бўйича Сирдарёнинг Кал гидропостида ўртача ойлик сув сарфининг сувлиги хар хил бўлган йилларда ўзгариши таҳлил қилинган; бунда кўп сувли йилларда ўртача йиллик сув сарфи  $574 \text{ м}^3/\text{с}$ , ўртача сувли йилларда  $406 \text{ м}^3/\text{с}$ , кам сувли йилларда эса  $308 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил этиши аниқланган.

Йилнинг сувлигини аниқлаш мақсадида Кал гидропости бўйича сув сарфининг кўп йиллик маълумотлари (1961-2020 йиллар) таҳлил қилиниб, кўп сувли йиллар 1966, 1969, 1970, 1988, 1994, 1996, 2003, 2004, 2005, 2010, 2017 йиллар, кам сувли йиллар эса 1974, 1975, 1978 йиллар эканлиги аниқланди. Бундай қонуният нафақат Кал гидропостида, балки юқорида қайд этилган бошқа гидропостларда ҳам кузатилган.

Сирдарёнинг ўрганилаётган гидропостларида гидрокимёвий хусусиятларини тавсифлашда замонавий гидрокимёвий режими гидрологик режими билан биргаликда ўрганилди (1-расм).

Кал ва Дўстлик каналининг кўйилишидан кўйида гидропостларда йил давомида сув сарфларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди, агар куз-қиш даврида сув сарфи  $563\text{-}760 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг бўлган бўлса, ёз ойларида эса  $268\text{-}226 \text{ м}^3/\text{с}$  гача камаяди. Сув сарфининг бундай сезиларли камайишига асосий сабаб суғориш каналларига сув олинishi ва Тўхтагул сув омборининг энергетик режимда ишлаши ҳисобланади. Йил давомида иккала гидропостдаги минерализация қиймати кам ўзгарган: Кал гидропостида  $580 \text{ мг/л}$  дан  $780 \text{ мг/л}$  гача, Дўстлик каналининг кўйилишидан кўйида

гидропостда эса 890 мг/л дан 1070 мг/л гача, бунда сув сарфининг камайиши билан минерализациянинг ошиш тенденцияси кузатилди.



1-расм. Сирдарёнинг ўртача ойлик сув сарфи ( $\Sigma u, \text{m}^3/\text{c}$ ) ва минерализацияси ( $M_{\text{у.ой}}, \text{mg}/\text{l}$ ) қийматларининг ойлар бўйича ўзгариши (2016-2020 йиллар): а) Кал, б) Дўстлик каналининг қуйилишидан қуйида, в) Надеждинский шаҳарчаси, г) Чиноз ш.

Надеждинский шаҳри ва Чиноз шаҳри гидропостларида гидрологик ва гидрохимёвий режимлар ўртасида тесқари пропорционал боғлиқлик кузатилди.

2016-2020 йиллар учун минерализациянинг ўртача йиллик қийматларини ( $\Sigma u, \text{mg}/\text{l}$ ) сув сарфининг ўртача йиллик қийматларига ( $Q_{\text{ў.й}}, \text{m}^3/\text{c}$ ) боғлиқлигини баҳолашда, корреляция коэффиценти 0,6 дан 0,75 гача (Кал гидропости учун) ўзгарган.


Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ер усти сувларининг ифлосланиш даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Кал гидропостида рухсат этилган миқдор (РЭМ)дан мис, сульфатлар, феноллар, нитрит азоти ва нефть маҳсулотлари миқдорлари ортган; Геджиген коллектори қуйилашидан пастдаги гидропостда эса магний, минерализация, сульфатлар, феноллар миқдорлари РЭМ дан ортган.

Диссертациянинг **“Чирчиқ ва Охангарон дарё хавзаларидаги ер усти сувларининг гидрологик ва гидрохимёвий режимлари динамикасини таҳлил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида, Чирчиқ дарёси Ғазалкент гидропости учун кўп, ўртача ва кам сувли йилларда ўртача ойлик сув сарфларининг ойлар бўйича ўзгариши таҳлил қилиниб, сўнгги беш кўп сувли йил давомида ўртача йиллик сув сарфи  $296 \text{ m}^3/\text{c}$ , ўртача сувли йилларда  $226 \text{ m}^3/\text{c}$ , кам сувли йилларда эса  $181 \text{ m}^3/\text{c}$  га тенглиги аниқланди.

1960-2020 йиллар учун ўртача йиллик сув сарфининг кўп йиллик ўзгаришларини таҳлил қилиш натижасида Чирчиқ дарёси Ғазалкент ш., Ғазалкент тўғони, Чиноз ш. гидропостларида кўп сувли йиллар – 1960, 1969, 1979, 1993, 1994, 1998, 2001, 2002, 2003, 2010, 2017 йилларда, кам сувли

йиллар – 1965, 1974, 1983 йилларда кузатилганлиги аниқланди. Оҳангарон дарёсида Эртош дарёсининг қуйилиши, Оҳангарон тўғонининг қуйида, Туябўғиз сув омборининг қуйи бьефи, Дўстобод шаҳарчаси маълумотларига кўра, кўп сувли йиллар – 1968, 1969, 1979, 1993, 1994, 1998, 2002, 2017 йилларда ва кам сувли йиллар – 1962, 1973, 1982, 1983 йилларда кузатилган.

Юқорида қайд этилган гидропостларда Чирчиқ (2-расм) ва Оҳангарон дарёларидаги гидрологик ва гидрокимёвий режимларнинг ойлар бўйича ўзгариш хусусиятлари (2016-2020 йиллар) ўрганилди. Ғазалкент ш., Ғазалкент тўғони гидропостларида гидрологик ва гидрокимёвий режимлар ўртасида аниқ боғлиқлик кузатилди, бунда сув сарфининг ошиши билан дарёдаги минерализация миқдори пасаяди, бу ҳолат одатда май-июл ойларида кузатилади, худди шундай боғлиқлик Оҳангарон дарёсининг гидропостларида ҳам кузатилди.



2-расм. 2016 – 2020 йилларда Чирчиқ дарёсининг ўртача ойлик сув сарфи ( $\Sigma u, \text{м}^3/\text{с}$ ) ва минерализацияси ( $M_{\text{ў.ой}}, \text{мг}/\text{л}$ ) қийматларининг ойлар бўйича ўзгариши: а) Ғазалкент ш., б) Ғазалкент тўғони, в) Чиноз ш.


2016-2020 йиллар учун юқорида қайд этилган барча гидропостлар учун ўртача йиллик минерализация қийматлари ( $\Sigma u, \text{мг}/\text{л}$ ) ни ўртача йиллик сув сарфи қийматларига ( $Q_{\text{ў.й}}, \text{м}^3/\text{с}$ ) боғлиқлигини баҳолашда аниқландики, Чирчиқ дарёси учун боғлиқлик  $R^2=0,49$  (Чиноз гидропости бўйича) дан  $R^2=0,72$  (Ғазалкент тўғони учун) гача ўзгарди, Оҳангарон дарёси учун эса ушбу боғлиқлик кичик бўлди.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидаги гидропостлар учун асосий ионлар ( $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^-$ ) таркиби ўзгаришларини минерализацияга боғлиқлик графиклари қурилди, гидропостларда барча ионлар учун  $R^2$  юқори қийматларга (0,5 - 0,96) эга бўлди.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарё ҳавзаларидаги ер усти сувларининг ифлосланиш даражасини баҳолашда, Чирчиқ дарёсининг Ғазалкент ш. гидропостида РЭМдан фақатгина мис миқдори ошиши, дарёнинг қуйилиши

Чинос гидропостида РЭМдан мис, нитрит азоти, сульфатлар, феноллар миқдори ошиши аниқланди; Оҳангарон дарёси Эртош дарёсининг қуйилишидаги гидропостда РЭМдан фақат мис ошиши, дарёнинг қуйилишида – Дўстобод шаҳарчаси гидропостида эса мис, нефт маҳсулотлари, сульфатлар ва феноллар миқдори ошиши аниқланди.

Тошкент вилоятининг саккизта магистрал коллекторларининг гидрокимёвий режими ўрганилган: 1) Қорасув-1, 2) Қорасув-2, 3) Уртукли, 4) Қумли, 5) Тутувчи-2, 6) Қорақамиш, 7) Геджиген, 8) Шўралисой, аниқландики, юқорида қайд этилган коллекторларнинг кўпчилигида гидрокимёвий режимнинг I ва I билан II биргаликдаги тури (Э.И. Чембарисов, 1988), Қорақамиш коллекторида эса сув режимига боғлиқ бўлмаган III тури кузатилган.



3-расм. Тошкент вилоятининг маъмурий туманларида коллектор-зовур сувларининг ҳажми ( $W$ , км<sup>3</sup>), минерализацияси ( $M$ , г/л) ҳамда кимёвий таркибининг худудий тақсимланиш харитаси (2016-2020 йиллар)


Ушбу магистрал коллекторлар учун 2011-2020 йиллардаги ўртача йиллик минерализация қийматлари ( $M_{\text{ў.й}}$ , мг/л)ни ўртача йиллик сув сарфи қийматларига ( $Q_{\text{ў.й}}$ , м<sup>3</sup>/с) боғлиқлик графиклари қурилган. Ушбу боғлиқликларнинг корреляция коэффициенти 0,4 дан 0,65 гача ўзгарган.

Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатдики, вилоятда минерализацияси 2,0 г/л дан ошмайдиган қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун қайта фойдаланиш мумкин бўлган 3,0 км<sup>3</sup> коллектор-зовур суви ҳосил бўлади, аммо

бунда албатта турли агротехник тадбирларга риоя қилиш керак: энгил механик таркибли тупроқларни танлаш, зовурнинг мавжудлиги, суғориш суви билан алмаштириб суғориш ва бошқалар (3-расм).

Диссертациянинг “Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрохимёвий режимлари таҳлили” номли учинчи бобида Тошкент вилоятидаги каби коллектор-зовур сувларининг турли жихатларини ўрганиш натижалари баён этилган.

Сирдарё вилояти мелиоратив экспедиция маълумотлари таҳлили натижасида етти та магистрал коллекторлар ажратилди: ММЗ, Шўрўзак, ГПК, Боёвут, Еттисой, ЦК-6 ва ЦК-7. 2012-2020 йиллар учун магистрал коллекторларнинг ўртача ойлик сув сарфи ва минерализациянинг ойлар бўйича ўзгариши шуни кўрсатдики, гидрохимёвий режимнинг I тури ММЗ, ЦК-6 коллекторларида, II тури Шўрўзак, Еттисой, ЦК-7 коллекторларида, I билан II турлар биргаликда Боёвут коллекторида кузатилган.



4-расм. 2010-2020 йилларда Сирдарё вилоятидаги магистрал коллекторларнинг ўртача ойлик сув сарфи ( $Q_{\text{ўр.ой}}$ ,  $\text{м}^3/\text{с}$ ) ва минерализациянинг ( $M_{\text{ўр.ой}}$ ,  $\text{г}/\text{л}$ ) ўзгариши:  
а) ММЗ, б) Шўрўзак, в) Боёвут, г) Еттисой

Жиззах вилоятида эса ПК-6, Чегаравий, ЦК-9-3, ЖБЗ коллекторларида сув режимига тескари пропорционал бўлган гидрохимёвий режимнинг I тури кузатилган; сув режимига тўғри пропорционал бўлган гидрохимёвий режимнинг II тури Оқ-Булоқ ва Жайилма коллекторларида кузатилган; ЦК-9 ва Кли коллекторларида сув режимига боғлиқ бўлмаган гидрохимёвий режимнинг III тури кузатилган (4-расм).

2012-2021 йиллар учун қурилган коллекторлар ўртача йиллик минерализациясини ўртача йиллик сув сарфларига боғлиқлик графикларида  $R^2$  Сирдарё вилояти учун 0,08 (Шўрўзак) дан 0,40 (Боёвут)гача, Жиззах вилояти учун 0,03 (ЦК-9-3) дан 0,46 (Жайилма) гача ўзгарган.

Сирдарё вилоятининг ГАТ харитасида акс эттирилган ҳисобий маълумотларга кўра, коллектор-зовур оқимининг катта ҳажми Ховос туманида ( $0,32 \text{ км}^3$ ) шаклланган, уларнинг минерализацияси  $3,1 \text{ г}/\text{л}$ , хлорид-сульфатли-кальций-магний-натрийли (ХС-КМН) таркибга эга; коллектор-зовур

оқимининг кичик ҳажми Сардоба туманида (0,12 км<sup>3</sup>) шаклланган, уларнинг минерализацияси 4,1 г/л, хлорид-сульфатли-магний-натрийли (ХС-МН) таркибга эга. Вилюят бўйича умумий 1,95 км<sup>3</sup> коллектор оқими ҳосил бўлиб, шундан 1,60 км<sup>3</sup> сувнинг минерализацияси 3,0 г/л дан ошмайди, шунинг учун бу ҳажмдан агротехник тадбирларга риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда қайта фойдаланиш мумкин.

Жиззах вилояти бўйича кўп йиллик (2016-2020-йиллар) ўртача 1,12 км<sup>3</sup> коллектор-зовур оқими шаклланган, уларнинг минерализацияси 0,64 г/л дан 4,41 г/л гача ўзгарган. Коллектор-зовур оқимидан қайта фойдаланиш (минерализацияси 3,0 г/л дан кам) учун қулай шароитлар Бахмал (0,02 км<sup>3</sup>), Ғаллаорол (0,03 км<sup>3</sup>), Шароф Рашидов (0,13 км<sup>3</sup>), Зомин туманларида (0,13 км<sup>3</sup>) кузатишган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолати ва уларнинг сифатини ирригацион мақсадларда баҳолаш”** деб номланади, ушбу бобда ўрганилаётган ҳудуднинг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш усули, сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) қиймати бўйича, гидробиологик кўрсаткичлар (БПИ, ИС, МБИ) ва якуний АБ (Ф) (фон) дан АБ (қониқарсиз)гача кўрсаткичлар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) ходимлари томонидан таклиф этилган), ўрганилаётган ҳудуддаги ичимлик суви сифати бўйича гидроэкологик сифатини баҳолаш натижалари ва ИСМИТИда қўлланилаётган услубни ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган баҳолаш натижалари тавсифланган.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2015-2020 йиллар учун сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) маълумотларидан фойдаланилган ҳолда юқоридаги гидропостлар учун ифлосланиш синфлари аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўрганилаётган ҳудудда тоза сув фақат дарёларнинг юқори оқимида (Чирчиқ дарёси – Ғазалкент шаҳри ва Оҳангарон дарёси – Ангрен шаҳри) кузатишган, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларнинг қуйи оқимида сув аста-секин ўртача ифлосланади, шундай сифатдаги сув Сирдарёнинг ўрта оқимида Наманган (Қал) гидропостидан бошлаб, ГПК-С коллекторининг қуйилиш жойидан пастдаги гидропостигача кузатишган.

Аниқландики, тоза ва ўртача ифлосланган сув оқимлари дарё ҳавзаларининг юқори оқимида кузатишган, дарёлар антропоген таъсир зонага киргандан сўнг уларнинг гидроэкологик ҳолати қониқарли даражага, йирик sanoat шаҳарларидан (Тошкент ва Бекобод) кейин эса ўзгарувчан ва қониқарсиз ҳолатга ўзгаради.

Диссертацияда таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, умумий, Сирдарё ҳавзаси ҳудудларида ўтган йиллар давомида марказлашган сув таъминоти тизимлари билан таъминланишнинг тенденцияси ортгани кузатишган, 2017 йилда баъзи вилоятларда коммунал сув қувурларидаги водопровод сув сифатини кимёвий кўрсаткичлар бўйича яхшиланиш тенденцияси кузатишган

бўлса, бошқа вилоятларда эса унинг сифати ёмонлашган, масалан, Тошкент вилоятида 2,7 %га, Жиззахда 0,2 %га (И.А. Усмонов бўйича).

Ўзгидромет ва ИСМИТИда қўлланилаётган услубий ёндашувлар ва ичимлик суви сифатини ҳисобга олган ҳолда, Сирдарё дарёсининг ўрта оқими ҳудудидаги ер усти сувларининг замонавий гидроэкологик ҳолатини умумий баҳолаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини умумий баҳолаш

Маъмурий ҳудуд ва дарё ҳавзалари	Ўзгидромет услуби		ИСМИТИ услуби бўйича ичимлик сувининг умумий тавсифи	Гидроэкологик ҳолатни умумий баҳолаш
	Кимёвий ифлосланиш даражаси: а) сув сифатининг синфлари б) СИИ қиймати	Гидробиологик ифлосланиш даражаси		
Тошкент вилояти (Чирчик ва Оҳангарон дарё ҳавзалари)	Ўртача ифлосланган сув (III синф) СИИ қиймати 1,0 дан 2,0 гача ўзгаради	Қониқарли, айримлари ўзгарувчан (белгиланиши АБ; АБ-АБ)	Яхшига яқин	Қониқарли, баъзи жойларда ёмон
Сирдарё вилояти (Сирдарё дарёси ҳавзаси)	Ўртача ифлосланган сув (III синф) СИИ қиймати 1,0 дан 2,0 гача ўзгаради	Қониқарли, айримлари ўзгарувчан (белгиланиши АБ; АБ-АБ)	Яхшига яқин	Қониқарли
Жиззах вилояти (Сирдарё дарёси ҳавзаси)	Ўртача ифлосланган сув (III синф) СИИ қиймати 1,0 дан 2,0 гача ўзгаради	Қониқарли, айримлари ўзгарувчан (белгиланиши АБ; АБ-АБ)	Яхшига яқин	Қониқарли

Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудидаги ер усти сувларининг гидроэкологик ҳолатини умумий баҳолаш шуни кўрсатдики, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида гидроэкологик ҳолат қониқарли, Тошкент вилоятида эса қониқарли, фақат Тошкент, Янгийўл шаҳарларидан қуйида ёмон.

